


Ўзини дунёда “Демократия химоячиси” деб пеш килувчи АКШнинг тарихига бир назар ташласак, турли бахоналар билан кўплаб катлиомлар уюштирганлигига гувох бўламиз. Буларнинг энг йирикларини куйида келтириб ўтамиз:

* Америка китъаси кашф этилган даврда 70 миллион кизил терили (индеец) ўз ватанларида катл этилди. АКШ мана шу катлиом устига курилди.
* 16-аср ва 19-аср оралигида 15 миллион африкалик кул сифатида Америка китъасига келтирилди. Ўттиз беш миллион африкалик эса кийнок ва гайриинсоний муомала туфайли халок бўлди.
* АКШ 1945 йили Японияга икки атом бомбаси ташлаб, 350 минг одамнинг ўлимига ва минглаб инсонларнинг ногиронга айланишига сабаб бўлди.

* 1945 йили Германиянинг Саксония штатининг пойтахти бўлган Дрезденни уч кун давомида хаводан бомбардимон килган АКШ асосан аёллар ва ёш болалардан иборат 200 минг одамни ўлдирди.
* 1950 йили Америка харбий самолётлари тарафидан уч йил бўйи бомбардимон килинган Шимолий Кореяда тўрт миллионга якин одам ўлди.
* 1950 йили Гватемалада МРБ (CIA) дастаги билан амалга оширилган тўнтаришда 200 минг гватемалалик ахоли ўлдирилди.
*1955 йили Индонезия, Лаос, Камбоджада кўплаб конли CIA операциялари ўтказилди.
* 1950-1959 йилларда Кубада 60 минг киши АКШ хомийлигидаги Батиста кучлари тарафидан катл этилди.
* 1962-1975 йилларда АКШ Вьетнам уруши даврида уч миллион тинч ахолининг ўлимига сабаб бўлди. Вьетнам урушида АКШ тинч ахолига нисбатан захарли газ ишлатиб, катлиом уюштирди.
* АКШ 1991 йили биринчи кўрфаз уруши деб номланган урушда Ирокни ишгол килиб, юзминглаб инсонларни ёстигини куритди. Ирокка олти хафтада 85 минг тонна бомба ташланди. Урушда 113 минг тинч ахоли халок бўлди.
* 1991 йилдан 1998 йилгача АКШ истилосидаги Ирокда очлик ва юкумли касалликлар дастидан ярмидан кўпи ёш болалардан иборат бир миллиондан ортик ироклик хаётдан кўз юмди.
* 2001 йил 11 сентябрда Дунё савдо маркази, Пентагон ва Ок уйни нишонга олган терактлардан сўнг Америка Афгонистонни ишгол килди. Шу ишгол пайтида АКШ 150 минг тинч ахолининг ўлимига сабаб бўлди.
* 2003 йили Ирокни яна ишгол килган АКШ бир миллиондан ортик ирокликни катл этди. АКШ хужумлари натижасида 4,7 миллион ироклик ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлди. АКШ бу катлиомига “Ирокни мустакил килиш операцияси” деб ном берди.
* АКШнинг эркатой бокимандаси ва курол билан таъминлаётган Исроил юз минглаб фаластинликни ўлдирди. Исроил АКШ хомийлигида хамон катлиомини давом эттирмокда.
* 2011-2018 йилларда АКШ Ўрта Шарк сиёсати доирасида Сурия ва Ирок учун куроллантирган PKK-PYD ва ИШИД террор ташкилотларидан фойдаланиб, минтакада 100 минглаб одамнинг ўлимига ва беш миллиондан ортик сурияликнинг ватанини тарк этишига сабаб бўлди.